

## Намоз ва ҳаром луқма

07:28 / 26.10.2018 2836

*Ассалому алайкум! Намоз ўқиб ҳаром еб юрувчи кишининг ҳукми қандай? Бир киши намоз ўқиса ва доимий ҳаром луқма истеъмол қилиб юрса, бунинг ҳукми нима бўлади? Ўқиган намозларининг савобидан маҳрум бўладими? Бундай ҳолатда намозини қазога қолдирса бўладими?*

**"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

– Ва алайкум ассалом! Ўқиганига савоб, ҳаром луқмасига азоб олади. Ҳаром ейишнинг намозни тарк қилишига нима алоқаси бор?! Намозни қолдириш ўрнига ҳаром ейишини қолдирсин. Валлоху аълам!